

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

## 2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 27 июль, № 153 (8496) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Акс садо

## ХИТОЙНИНГ ЭКСПЕРТ ВА ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

*Хитой Халқ Республикасининг эксперт ва ишбилармон доиралари вакиллари "Дунё" ахборот агентлиги мухбирларига Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётига доир фикр-мулоҳазаларини билдирди.*

**Го ЦЗЫЦЗЕ,**
**«САМС» муҳандислик корпорациясининг (ХХР) Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**



— Биз Ўзбекистон компаниялари билан 16 йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда савдони эркинлаштириш экспортни изчил амалга ошириш учун янги имконият эшикларини очди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб бормоқдамиз. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатда амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар натижаларини Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ҳис қилмоқда.

Рақобат кучайиб бораётган ва турли бозорларда олдиндан айтиб бўлмаслиги билан ажралиб турадиган замонавий халқаро савдо муҳити шароитида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатда тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланмоқда, экспортни ошириш ва инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти ва фаровонлиги учун кафолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама ва жадал ривожланмоқда. Бунда, шубҳасиз, давлатларимиз раҳбарлари ўртасида ўрнатилган яқин ва дўстона муносабатлар муҳим ўрин тутаётир.

Хитойлик ишбилармонлар Хитой — Ўзбекистон муносабатларини янада ривожлантиришнинг улкан истиқболларига ишонишади, бунинг учун бугунги кунда барча зарур шароит яратилган.

➡ 3

**Чиндан ҳам, биз барпо этаётган янги, эркин ва демократик давлатда жамиятнинг ҳар бир аъзоси билим олиш, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаш, ўз истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, меҳнат билан банд бўлиш учун зарур имкониятларга эга бўлиши шарт.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ИНКЛЮЗИВ ОЛИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖИ – ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

*Бугунги кунда миллий таълим соҳасида интеграция ва бағрикенглик ғоялари асосида инсоний муносабатларни уйғунлаштириш ва алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган инсонларни жамиятга мослаштириш учун таълим маконининг қулайлигини таъминлаш орқали янгича концептуал ечимларни излаб топишга бўлган интилиш тобора кучайиб бормоқда.*

### Нуқтаи назар

Зеро, бу имконияти чекланган инсонларга сифатли таълим олиш ва ҳаётда ўз ўринларини топишга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги янги муносабатларга асосланган таълим инклюзияси кўп жиҳатдан инсонпарвар таълим сифатида эътироф этилиши билан бир қаторда, Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Инклюзив таълим самарадорлигининг асосий мезони муваффақиятли ижтимоийлашув, маданиятни ўзлаштириш, ижтимоий тажрибани ривожлантириш, ёшларни, жумладан, алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган талабаларнинг касбий жиҳатдан ўз тақдирини ўзлари белгилай олишида ифодаланади.

Имконияти чекланган шахсларни ўқитишнинг асосий шартларидан бири — бу инклюзив таълим тизимида тўсиқсиз муҳит яратиш ва жараённи тегишли техник жиҳозлар билан таъминлашдан иборат.

➡ 4

Учрашув

## «ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИ СТИПЕНДИАТЛАРИ СЕНАТДА БЎЛДИ

*Яқинда "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан ўтказилган стипендия танлови якунлари сарҳисоб қилинди. Танлов натижаларига кўра, иқтидорли ва истиқболли 154 нафар ёш жамғарма стипендияси соҳиблари деб топилди.*

Куни кеча парламент юқори палатасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ва бир гуруҳ сенаторлар мазкур стипендиатлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Дастлаб стипендиатлар Сенат фаолияти, унинг таркиби, сенаторлар, қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлар билан яқиндан таништирилди.

Учрашув чоғида Сенат Раиси "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендияси танлови ғолибларини самимий табриклаб, давлатимиз раҳбари бошчилигида профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ва ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этиш борасида барча шарт-шароит яратилаётганига алоҳида тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, давлат раҳбари бошчилигида ёшларнинг хорижда грант асосида таҳсил олишини қўллаб-қувватлаш ўзининг юксак натижасини бермоқда. Ҳозирги кунда 500 нафарга яқин стипендиатлар жамғарма маблағлари ҳисобидан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Канада, Япония, Испания, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган мамлакатларнинг энг нуфузли таълим ва тадқиқот, инновация ва амалиёт масканларида таълим олмоқда. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистонда интеллектуал ривожланган ёшлар шаклланаётганидан далолат беради.

Мулоқот давомида стипендиатлар Сенат Раисига турли мавзуларда таклифлар бериб, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди. Хусусан, ёшлар томонидан киберхавфсизлик соҳасига оид қонунларни такомиллаштириш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича янги платформалар яратиш борасида қатор таклифлар илгари сурилди.

**«Халқ сўзи».**

Ўрганиш

## ҲУДУДЛАРДА БАНДЛИК ДАСТУРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

*Ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринларини яратиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳолати Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий ҳамда Самарқанд вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунлари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш, ишсизларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўргатиш ҳамда малакасини ошириш бўйича самарали ишлар йўлга қўйилган.

Таъкидланганидек, ўрганиш давомида депутатлар давлат ва маҳаллий инвестиция дастурлари бўйича яратилган иш ўринлари, ажратилган субсидия, грантлар, нафақалар, ишсиз аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш билан таъминланиш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратган.

Хусусан, Бухоро вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ўринларини яратиш борасида қатор амалий ишлар қилинган. Яъни 2023 йилда 4,2 минг нафар банд бўлмаган фуқарони қамраб олиш имконига эга бўлган 1 та "Ишга марҳамат" мономаркази, 3 та касб-ҳунарга ўқитиш маркази ҳамда 480 нафар тингловчига мўлжалланган 8 та маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш маскани ташкил этилган.

Шунингдек, вилоятда меҳнат органлари йўлланмалари асосида 2023 йил январь — апрель ойлари давомида иш билан банд бўлмаган 2,9 минг фуқаро касб-ҳунарга, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишга жалб этилган. 2023 йилнинг ўтган даврида банд бўлмаган фуқароларнинг қарийб 518 нафари ўқишни тамомлаган. Улардан 502 нафарининг бандлиги таъминланган.

Йиғилишда қайд этилганидек, Самарқанд вилоятида жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига 123,4 минг аҳоли ишли бўлган. Хусусан, маҳаллабай ишлаш тизими асосида ҳоким ёрдамчилари кўмагида 9,9 минг аҳоли доимий ва мавсумий иш ўринларига жойлаштирилган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида 9,4 мингта лойиҳа учун қарийб 241,7 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилган.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам 2023 йилда қарийб 193 минг аҳолини даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Жорий йилнинг январь — апрель ойларида 44 426 та доимий ва мавсумий иш ўрни яратилиб, белгиланган режа 105 фоизга бажарилган.

➡ 2

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

## ФАРҒОНАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР: ХАЛҚ РОЗИЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА







Бугун водий дурдонаси, юртимизнинг энг сўлим гўшаси сифатида эъзозланувчи Фарғона барчамизнинг кўз ўнгимизда ҳар жиҳатдан кенгайиб, обод ва файзли масканга айланиб бормоқда. Эзгу ташаббуслар барча-барчани муштарак мақсад йўлида ўзаро жипслаштираётгани, бир ёқадан бош чиқариб эртанги кун истиқболига пешвоз чиқишга ундаётгани қалбимизга ифтихор бахш этади. Кўз ўнгимиздаги бундай янгиланиш ва ўзгаришлар тинчосойишта, фаровон жамият қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларга ўзгача ғайрат-шижоат бахш этаётир.

Фарғона аҳли юксак тафаккури, дунёқараши, ибратли турмуш тарзи билан кейинги йилларда янги-янги довонларни забт этмоқда. Эзгу фазилатларга ҳамоҳанг тадбиркорлиги, она заминга муҳаббати туфайли янги давр, янги замон — янги Ўзбекистон мақсадларига қатъий ишонч, аниқ режа, узоқни кўзланган юксак ақл-идрок билан муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу боис кундан-кунга чирой очиб, ўз кўрку таровати, малоҳатини кўз-кўз этаётган Фарғона тимсолида улуғворлик билан бирга муҳташамлик мужассам. Бундай ютуқлар ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат ва юксак маънавият ҳосиласидир.

"Боғ жамоли боғбондан" деганларидек, табиийки, юрт равнақ-ривожи, чиройини хулқи гўзал, серқирра фазилатли эл яратади.

➡ 3

Мулоҳаза

## ИНСОНПАРВАР ТАМОЙИЛЛАР ҲАЁТИМИЗДАН КЕНГ ЎРИН ТОПМОҚДА

*Кейинги йилларда юртимизда халқимиз тарихини безайдиган, таъбир жоиз бўлса, келажагимизни белгилаб берадиган тарихий воқеалар кўп кузатилмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, Конституциямизнинг янгиланиши ва шу асосда бўлиб ўтган Президент сайловини алоҳида тилга олиш зарур. Негаки, бу воқеалар мамлакатимиз ривожига бевосита таъсир кўрсатиши билан эътиборга молик.*

Хусусан, Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросимидаги нутқини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир. Чунки дастурий характерга эга бўлган мазкур нутқда олдимизда турган етти йилликнинг энг долзарб вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилди ҳамда юртимизни ривожлантириш ва кўп миллатли халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган кўплаб таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизимни яратиш мақсад қилинган бўлиб, шу жараёнлар билан боғлиқ бир қатор вазифалар кўрсатиб ўтилди. Хусусан, эндиликда ортопедия, реабилитация, тиббиёт ва дори воситаларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзлари танлайдиган, давлат эса пулини тўлаб берадиган бўлди. Бу тизимнинг йўлга қўйилиши минглаб имконияти чекланган фуқароларга кенг шароитлар яратиб беришидан ташқари, уларнинг ўзларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

➡ 2

Интилиш

## ТУРИЗМ СОҲАСИДА 5,5 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ОЧИЛАДИ



*Самарқанд қадим тарихга эга бўлган дунёнинг йирик маданият марказларидан бири сифатида сайёрамиздаги бориб кўриш шарт бўлган шаҳарлар қаторида эътироф этилади. Шу боис ҳам ҳудудда туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлар учун барча қулайликни яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада кўплаб янги-янги сайёҳлик йўналишлари, туризм манзиллари пайдо бўляпти. Бу эса, ўз навбатида, келаётган маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар сонининг ортишига хизмат қилмоқда.*

Маълумотларга кўра, шу йилнинг январь — июнь ойларида вилоятга 2,5 миллиондан зиёдроқ маҳаллий ва 1 миллион 106 минг нафар хорижий сайёҳ келган. Йил охиригача 2,1 миллион нафар хорижий ва 4,5 миллион нафар маҳаллий сайёҳ жалб этилиб, туризм хизматлари экспортини 312 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Хорижлик сайёҳларнинг Самарқандда қолиши ўртача 2,7 кунни ташкил этмоқда. Ҳар бир сайёҳ бир кунда ўртача 85 доллардан 250 долларгача маблағ сарфлаяпти.

➡ 4

# ҲУДУДЛАРДА БАНДЛИК ДАСТУРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

1 Хоразм вилоятидаги ўрганишларда маълум бўлишича, Янгиариқ туманида шу йил январь — май ойларида 348 нафар фуқаро касбга ўқитишга жалб қилинган. Қишлоқ хўжалигига мўнжалланган 393,4 гектар ерларни аҳолига "Е-аукцион" савдоси орқали ажратиш ҳисобига 1022 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган. Шунингдек, январ — май ойларида ижтимоий муҳофазага муҳтож 26 нафар шахс ишга жойлаштирилган.

Йиғилишда келтириб ўтилганидек, Навоий вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида, жорий йилда 240 минг аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш, шу жумладан, 77 мингдан зиёд фуқароларнинг доимий иш билан бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Ўрганишларда маълум бўлишича, жорий йил 1 июнь ҳолатига вилоятда 123,4 минг аҳоли иш билан таъминланган. Бу борада режа самарали бажарилишига қарамай, соҳада айрим камчиликлар аниқланган. Хусусан, шу йилнинг 1 июнь ҳолатига Навоий вилоятида "аёллар дафтари"га киритилган 5 минг 259 ишсиз хотин-қизнинг атиги 861 нафари доимий иш билан таъминланган. Бу кўрсаткич Кармана туманида 7 фоиз, Хатирчи туманида 9 фоиз, Зарафшон шаҳрида 9 фоизни ташкил қилиб, мазкур ҳудудлардаги бўш ва янги иш ўринлари бўйича мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмагани депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди.



Йиғилишда, шунингдек, Самарқанд вилоятида ҳудудий инвестиция лойиҳалари ҳисобига яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши январь — май ойларида атиги 14 фоизни ташкил этгани танқид қилинди.

Ишчи гуруҳ томонидан ўрганилган ҳудудларда аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида 0,1 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари аҳолига "Е-аукцион" платформаси орқали ернинг норматив қийматини ошириш ва савдо натижасига кўра юқори нарх берган талабгорларга ажратиб келинмоқда. Натижада ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"даги ишсиз ва кам даромадли аҳолининг ушбу ер майдонини сотиб олиш имкониятини пасайтирмоқда.

Мазкур ҳолатнинг ечими сифатида депутатлар томонидан "Е-аукцион" платформаси орқали "махсус дафтар"лардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз ва кам даромадли аҳолининг ер майдони сотиб олиш учун ернинг норматив қийматини ошириб бориш қисмини бекор қилиш, дафтарларга киритилган фуқароларга халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорларига асосан тўғридан-тўғри ер ажратиш ва норматив қиймат бўйича тўловни бир йил давомида ердан олинган даромад эвазига бўлиб-бўлиб тўлашни жорий қилиш мақсадида тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартириш киритиш лозимлиги таъкидланди.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда янги иш ўринларини яратиш бўйича олиб борилган ишлар эътироф этилгани ҳолда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан хотин-қизларни касбга ўқитиш харажатларини қоплаш, тадбиркорликка йўналтириш, шахсий томорқаларни ривожлантириш мақсадида субсидиялар етарли даражада ажратилмаганлиги танқид остига олинди.

Депутатлар мазкур муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берди. Аҳоли бандлигидаги соҳалар бўйича бажариладиган ишлар, инвестиция лойиҳалари асосида янги иш ўринларини яратишни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОНПАРВАР ТАМОЙИЛЛАР ҲАЁТИМИЗДАН КЕНГ ЎРИН ТОПМОҚДА

1 Табиийки, ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш салмоқли маблағни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш учун йўналтириладиган маблағлар ҳозирги 80 миллиард сўмдан 250 миллиард сўмга, қарийб уч бараварга оширилади.

Англаганингиздек, ушбу рақамлар моҳиятида қанча-дан-қанча ногиронлиги бор шахслар ҳамда улар оила аъзоларининг оғирини енгил қилишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Нутқда ногиронликни белгилашда ҳозирги тиббий моделдан ижтимоий моделга ўтиш таклиф этилди. Яъни эндиликда ногиронлиги бўлган шахсларга нафақат тиббий кўмак кўрсатилади, шунингдек, ишлаш истагидаги ногиронлиги бор шахсларга ўз қобилиятларини тўлақонли намойиш этишлари учун зарур бўлган шароитлар ҳам яратиб берилади.

Бу борадаги энг муҳим ташаббуслардан бири — оиласидаги ногиронлиги бўлган одамга қаровчи эҳтиёжманд инсонларга иш ҳақи тўлаш тизими жорий қилинишидир.

Халқимизда "Касал эмас, уни боққан касал" деган пурмаъно ибора бор. Эндиликда ногиронлиги бўлган шахсларга қаровчиларга иш ҳақи берилади. Бу эса уларни нафақат иқтисодий жиҳатдан, қолаверса, руҳий қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, Президентимиз томонидан билдирилган шу каби таклифлар Бош қомусимизда белгилаб қўйилган "ижтимоий давлат" тушунчаси ҳаётимиздан кенг ўрин топаётганидан далолат беради.

**Фармон ТОШЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

Муносабат

# ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

*Мамлакатимиз тараққиёти ҳар томонлама униб-ўсиб келаётган навқирон авлоднинг таълим-тарбияси, маънавияти ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Айнан шу сабабдан сўнгги йилларда ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.*

Бугунги кунда миллий парламентимиз ёшлар билан яқиндан иш олиб бориш, уларнинг дарду ташвишларини ўрганиш ва муаммоларига қонуний ечим топиш борасида ўзига хос мактаб ярата олди, десак, янглишмаган бўламиз.

Хусусан, Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясига ёшларнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш, шу орқали уларни жамиятда фаол қатламга айлантириш, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб этиш, қабул қилинаётган қонунларни ёшлар орасида тарғиб этишдек муҳим вазифа ва масъулият юклатилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг 2023 йил биринчи ярим йилликдаги фаолиятига оид ахбороти кўриб чиқилди.

Аввало, қайд этиш керак, комиссия томонидан Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган 14 та қонун лойиҳаси юзасидан 40 дан зиёд асослантирилган таклифлар тайёрланган.

Ҳисобот даврида комиссия аъзолари қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳамда конституциявий ислоҳотлар тарғиботига бағишланган 200 дан зиёд тадбир ва форумлар, ўқув-семинар ва конференцияларда фаол иштирок этган. Шунингдек, комиссия аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентига сайлов ўтказиш бўйича сиёсий партияларнинг республика сайлов ҳайъати аъзолари бўлган.

Кези келганда айтиш керак, комиссия фаолиятига оид ахборот депутатлар томонидан танқидий-таҳлилий кўриб чиқилиб, комиссияга парламент назоратининг таъсирчан шаклларидан унумли фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Хусусан, сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталар аъзолари томонидан ёшлар ўртасида гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг ҳуқуқий асосларини янада кучайтириш бўйича билдирилган таклифлар комиссиянинг келгуси фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, депутатларнинг таклиф-тавсияларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, Ёшлар парламенти аъзолари билан ҳамкорликда оилаларда соғлом турмуш тарзи, маънавий-ахлоқий тарбия, иқтисодий, ҳуқуқий билимлар, тиббий маданиятни ошириш ҳамда хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ёки меҳнат қилаётган ёшларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш устувор вазифа сифатида қаралади.

Қисқача айтганда, ёшлар тарбияси ва онгига таҳдидлар тобора кучайиб бораётган бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг қизиқишларига бефарқ бўлмасдан, уларни ўйлантираётган муаммоларга тўғри ва мақбул ечимларни излаб топиш биз, парламент аъзоларининг устувор вазифаси ҳисобланиши керак. Зеро, бугунги ёшлар келажагимиз эгалари эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ.

**Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ёшлар масалалари бўйича комиссия раиси.**

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ:

# НАТИЖА ВА ТАҲЛИЛ

*Жорий йилнинг 20 июнь куни Олий Мажлис қуйи палатасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири А. Икромовга "Аҳолининг кенг қатламлари, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида спорт ва жисмоний тарбия бўйича оммавий тадбирларни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида"ги масала юзасидан Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилган эди.*

Яқинда бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг мажлисида мазкур парламент сўровига юборилган жавоб атрофлича кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, соҳада амалга оширилаётган ишлар натижасида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолининг улуши 26,4 фоизни, "Беш ташаббус олимпиадаси" ва бошқа оммавий спорт мусобақаларига жалб қилинган ўқувчи ва талабаларнинг улуши 23 фоизни ташкил этган.

Шунингдек, ҳудудларда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳаллалар ёшлари ўртасида "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида икки мавсумдан иборат оммавий спорт мусобақаларини ўтказиш тизими йўлга қўйилган.

Ялпи мажлисда депутатлар Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги томонидан парламент сўровига жиддий ёндашилганлиги, саволларга тўлиқ жавоблар берилганини юқори баҳолади.

Умуман олганда, биз, депутатлар жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имконияти чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

**Ғайрат АБДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида

# ҚИЗҒИН ФАОЛИЯТНИНГ ҚИСҚА ТАФСИЛОТЛАРИ

Куни кеча Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.



Қонун лойиҳаси билан суднинг ҳукми, ажрими устидан шикоят бериш масаласида янги институт — суд ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Яъни биринчи инстанция судининг қарор ёки ҳукмидан норози тарафлар вилоят судига апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиб, уларнинг ҳам натижасидан қониқмаса, ушбу иш мазкур судларда тафтиш тартибида кўриб чиқилиши белгиланмоқда.

* * *

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари иштирокида мажлис ўтказилди.

Унда Мудофаа вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан тайёрланиб, тақдим этилган "Фахрийлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг дастлабки варианти атрофлича ўрганиб чиқилди.

Қўмита аъзолари томонидан лойиҳадаги концептуал масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, фахрийлар доирасига тааллуқли бўлган шахслар тоифаларини аниқ белгилаш, фахрийлар мақомини бериш асослари, тартиби ва механизмларини батафсил ифодалашга бағишланган нормаларни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар берилди.

* * *

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан "Янги Ўзбекистон — тарихи ва тақдири муштарак халқлар мамлакати" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

# ЕР-ТУПРОҚ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

*Маълумки, тупроқ литосфера юза қатламининг сув, ҳаво ва тирик организмлар таъсирида ўзгаришидан шаклланадиган ҳамда генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ горизонтлардан ташкил топган табиий тузилмаси бўлиб, ер пўсти юза ва унумдор қатлами ҳисобланади. Тупроқнинг нураган тоғ жинсларидан фарқли жиҳати ҳам унинг унумдорлигидадир. Ана шу унумдор юза қатламда инсон учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг 95 фоизга яқини етиштирилади. Шу боис тупроқни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди, яъни ҳозирча унинг муқобили топилмаган. Шу маънода, уни бебаҳо неъмат, десак, сира муболаға бўлмайди.*

## Мушоҳада

Афсуски, сўнгги йилларда табиий ҳодисалар туфайли тупроқнинг эрозияга учраши ҳамда сифати ва унумдорлигини йўқотиши кучайиб бормоқда. БМТ таҳлилига кўра, бугунги кунда сайёрамиздаги ер ресурсларининг 40 фоизга яқини таназзулга учраган. Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлиги кун тартибидан тушмай қолган ҳозирги даврда бу ниҳоятда жиддий муаммодир. Биргина мисол, чўлланиш, ер деградацияси ва қурғоқчилик каби оқибатлар дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида истиқомат қилаётган бир миллиарддан зиёд аҳоли саломатлиги ва фаровонлигига хавф соляпти. Шу сабабли ҳам бир қарашда оддий кўринган тупроқ унумдорлигини ошириш масаласи глобал вазифалар қаторида турибди.

Бугунги кунда дунёда қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кўпгина омиллар шуни кўрсатяптики, ернинг деградацияга учраш даражаси ва кўлами ортиб бормоқда. Бунда тупроқларнинг эрозияга учраши, озиқ моддалар захираси камайиши ва шўрланиш даражаси ортиши кузатилаётир, антропоген деградацияга қишлоқ хўжалиги ерларининг 34 фоизи учраган. Мавжуд ҳайдаладиган ерларда уларга ишлов бериш имкониятлари тупроқ эрозияси, углерод ва озиқ моддалари захираси ҳамда тупроқ биохилмахиллиги камайиши боис чекланган. Бу эса қишлоқ хўжалиги, хусусан, тупроқшунослик соҳасини янада ривожлантириш орқали тупроқда содир бўлаётган салбий оқибатларни бартараф этишни талаб қилмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича 33 фоиз тупроқ деградацияга учраган бўлиб, бу жараённинг шу зайлда давом этиши 2050 йилга бориб 90 фоизни ташкил қилиши мумкин. Ҳозирги вақтда дунё бўйича деградациядан кўрилаётган йиллик зарар 490 млрд. долларга етмоқда. Юздан ортиқ мамлакатларда тупроқнинг деградацияга учраши ва чўлланиш таъсиридан 2,6 млрд. одам азият чекмоқда. Қолаверса, яйловларнинг тахминан 73 фоизи, лалми ерларнинг 47 фоизи ҳамда суғориладиган экин майдонларининг салмоқли қисми деградацияга учраган.

Мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларда бир қатор муаммолар мавжуд. Улар сирасига деградация, саҳроланиш, шўрланиш, турли кимёвий воситалар билан ифлосланиш ҳолатларини киритиш мумкин.

Бугун мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерлари ҳолатини яхшилаш ҳамда тупроқ хосса ва хусусиятларини мақбуллаштириш, тупроқ унумдорлигини чекловчи омилларни аниқлаш, хусусан, тупроқ ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, соҳани рақамлаштириш масалаларига ҳам давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Охирги йилларда бу борада ҳуқуқий асос яратилиб, кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилингани ва улар асосида муайян чора-тадбирлар амалга оширилаётгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

Мазкур йўналишда Президентимизнинг 2022 йил 10 июндаги "Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2022 йил 25 мартдаги "Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш, суғоришнинг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича 33 фоиз тупроқ деградацияга учраган бўлиб, бу жараённинг шу зайлда давом этиши 2050 йилга бориб 90 фоизни ташкил қилиши мумкин. Ҳозирги вақтда дунё бўйича деградациядан кўрилаётган йиллик зарар 490 млрд. долларга етмоқда. Юздан ортиқ мамлакатларда тупроқнинг деградацияга учраши ва чўлланиш таъсиридан 2,6 млрд. одам азият чекмоқда.**

Ушбу ҳужжатларда республикадаги шўрланган тупроқлар майдонини 2026 йилга қадар 120 минг гектарга камайтириш, сифати 61 баллдан паст бўлган 450 минг гектар тупроқ унумдорлигини яхшилаш, агрокластер ва фермер хўжаликларига қарашли бўлган 1 млн. гектар экин майдонларида "Тупроқ клиникаси" хизматларини кўрсатиш, тупроқдаги гумус миқдори бир фоизгача бўлган майдонларни 1,1 млн. гектарга камайтириш, деградацияга учраган яйлов майдонини 1,8 млн. гектарга тушириш ва 26 минг гектар майдонда иҳотазорлар барпо этиш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Айтиш жоизки, ана шу вазифалардан келиб чиқиб Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг Бухоро, Андижон, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари минтақавий бўлинмалари тузилди. Институт олимлари томонидан эса илмий-амалий лойиҳалар доирасида қишлоқ хўжалиги экин майдонларида кечаётган деградация жараёнларига қарши курашиш ва олдини олиш бўйича қатор саъй-ҳаракатлар рўёбга чиқариб келинмоқда.

Табиийки, бу борада олдимизда турган вазифалар ҳам талайгина. Масалан, тупроқ шўрланишининг олдини олиш ва шўрланган майдонларни камайтириш ниҳоятда долзарб. Айни чоғда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мобиль илова орқали тупроқ шўрланишига қарши кураш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, типи ва токсик тузлар захираси бўйича олинган маълумотларни онлайн платформага жойлаштириш ҳам муҳим. Шуларга мос ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг тупроқ шўрланиш ҳолатлари ўрганилади ва шўрланиш картограммалари ишлаб чиқилади.

Яна бир вазифа ер деградациясини масофадан зондлаш ва геоахборот тизими ёрдамида мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш билан боғлиқ. Шу мақсадда масофадан зондлаш ҳамда геоахборот тизимлари технологиялари ёрдамида суғориладиган ерлар деградациясини комплекс ва кам харажатли мониторинг қилиш, баҳолаш ва уларга самарали қарши курашнинг ягона тизимини ишлаб чиқишимиз керак бўлади.

Тупроқ мониторингини юритиш — навбатдаги долзарб масала. Бу борада эса республика қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларидан танланган стационар экологик майдонлар ва яримстационар экологик майдонларда тупроқ мониторинги тадқиқотлари ўтказилади. Ушбу тадқиқотларда тупроқлар унумдорлиги, деградация ҳолати ва асосий кўрсаткичнинг йиллар давомидаги ўзгариши таҳлил қилинади.

Тупроқларнинг экологик-соғломлиги карталарини ишлаб чиқиш ҳам бугун муҳим. Яъни шу орқали жаҳонда кенг тарқалган "Organic" ва "GlobalGAP" халқаро стандартларига мувофиқ маҳсулотлар етиштириладиган ҳудудлар аниқланиб, уларга мос экинлар жойлаштирилади.

"Тупроқ клиникаси" мобиль лабораториялари орқали тупроқ хизматлари кўрсатишни кенгайтириш ҳам ҳаётий заруратдир. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда 1 млн. гектар суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги кластерларига хизмат кўрсатиш кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, олдимизда турган вазифалар жуда долзарб бўлиши баробарида ниҳоятда залварли. Шу боис бу йўналишларда халқаро алоқаларни кучайтириш чораси кўриляпти. Ҳозирги пайтда эса Германиянинг Ганновер шаҳрида жойлашган Лейбниц университети Тупроқшунослик институти, ХХР Цинхуа университети билан тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ва уларда кечаётган салбий жараёнларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш бўйича изчил ҳамкорлик қилиб келинмоқда.

Умуман олганда, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш нафақат бугунги, балки келажак авлод фаровонлигини яхшилаш, пировард натижада эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу эса барчамизга ушбу масалага янада жиддий ёндашиш масъулиятини юклайди.

**Рисқул СИДДИҚОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ХИТОЙНИНГ ЭКСПЕРТ ВА ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАҚИДА

1

**Даниэль ЧЖАУ,
«Alibaba International Digital Commerce Group» гуруҳининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўлими бош менежери:**



— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳити юзага келди. Қисқа вақт ичида бутун дунёдан келадиган хорижий инвесторлар, шу жумладан, хитойлик сармоядорлар учун жозибали бўлган либерал, очиқ бозор шаклланди.

Ўзбекистонда муваффақият билан фаолият олиб бораётган компаниямиз бунга кўплаб мисоллардан бири бўла олади. Айтишим мумкинки, Ўзбекистон бозоридаги ҳамкорларимиз сони кундан-кун ортиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда бизнинг савдо майдончамизда Ўзбекистоннинг 100 дан ортиқ экспорт компаниялари мавжуд бўлиб, уларнинг 6 мингдан зиёд турдаги тайёр маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, сўнгги йилларда электрон тижорат жаҳон савдоси ривожланишининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланди. Ўзбекистонда маҳаллий ва хорижий корхоналар учун ҳеч бир тўсиқларсиз бизнес юритиш учун барча шароит яратилгани қувонарли ҳолдир.

**Сюй ТАО,
Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Ижтимоий ривожланиш маркази ҳузуридаги Евроосиё ижтимоий ривожланиш тадқиқотлари институти директорининг ўринбосари:**



— Бугунги кунда мисли кўрилмаган юксак даражага кўтарилган Хитой — Ўзбекистон муносабатлари ривожини кузатиш менга мамнуният бағишлайди.

Хитой Ўзбекистоннинг йирик савдо шерикларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йиллар давомида икки мамлакат ўртасида савдо, иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорлик жадал равнақ топмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, жорий йил якунлари бўйича Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасининг биринчи савдо шериги бўлади.

2022 йили ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи муваффақиятли кечди, 2023 йилнинг май ойида Президент Шавкат Мирзиёев Хитойга ташриф буюргани ҳолда “Марказий Осиё — Хитой” саммитида иштирок этди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокараларда ҳар томонлама стратегик шерикликнинг асосий йўналишлари ва истиқболли соҳалари белгилаб олинди, шу тариқа келгуси йиллардаги икки томонлама ҳамкорлик нуқтаи назаридан янги қарашлар юзага келди.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар мустаҳкамланаётгани, ўзбек ёшларининг Хитой тилини ўрганишга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётгани ўзаро ришталарда муҳим омил бўлмоқда. Бу ҳам қувонарли ҳолдир. Ушбу тамойил, шубҳасиз, сўнгги йилларда Ўзбекистонда алоҳида эътиборга сазовор бўлган таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Маълумки, таълим тизимини модернизациялаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда бой тарихий ва маданий мерос, ёш авлодни тарбиялаш ва ҳар томонлама камолга етказиш учун юксак илмий салоҳият мавжуд. Бу янги Ўзбекистонни барпо қилиш ва кенг қамровли ислоҳотларни изчил давом эттириш нуқтаи назаридан жуда муҳим аҳамият касб этади.

**Ван МИНМЭЙ,
Хитойнинг «Psearcher» нашриёт компанияси бош менежери:**



— Мутахассисларимиз Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қамрови ва унинг ўсувчанлигини катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш якунланди ва бугунги кунда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган муҳим вазифалар муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистондаги бугунги ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ёшлар сиёсати бўлиб, унда ёш авлоднинг сифатли таълим олиши, касб-ҳунарга йўналтиришнинг самарали тизимини яратиш ва бандликни таъминлаш бўйича барча шароит яратилган. Ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус фондлар ва электрон платформалар яратилган. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда учинчи Уйғониш даври қурилишининг мустаҳкам пойдеворини яратишга хизмат қилмоқда.

**Эътироф**

## Ўзбекистон ихтирочи аёллари халқаро кўргазмада 4 та олтин, 7 та кумуш, 1 та бронза медалини ҳамда иккита махсус совринни қўлга киритди

*Ўзбекистон ихтирочи аёлларидан ташкил топган мамлакатимиз делегацияси Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро кўргазма — “KIWIE — 2023”да иштирок этди.*

Ушбу кўргазма Корея ихтирочи аёллари ассоциацияси (KWIA), Корея интеллектуал мулк идораси (KIPO) ва Халқаро интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) томонидан уюштирилди.

Халқаро кўргазма ихтирочи аёлларнинг фан ва технология соҳасида эришаётган ютуқлари, тажрибалари ва яратган янги технологияларини ўрганиш ҳамда рағбатлантириш мақсадида ўтказиб келинади.

“KIWIE — 2023”да 40 дан зиёд мамлакатлардан 400 нафардан ортиқ олима, ихтирочи ва тадбиркор хотин-қизлар техника, технология, тиббиёт, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё ва саноатнинг турли йўналишлари бўйича ўз ихтиролари ҳамда инновацион ишланмалари билан қатнашди.

Маълумки, Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан мамлакатимиз олима аёлларининг ихтиролари Жанубий Кореяда ўтказиладиган халқаро кўргазма, танлов ва форумда қатнашиш учун тавсия қилинган эди. Ўзбекистонлик олима аёллар кўргазмада ўзлари эришган натижаларини ҳамда инновацион маҳсулотларини намойиш этдилар.

Эътиборлиси, мамлакатимиз аёлларининг ихтиролари тадбирга келган меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Улар халқаро экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Кўргазма иштирокчиларига мамлакатимизда илм-фан ва илмий фаолиятдаги ислоҳотлар, хусусан, хотин-қизларни илм-фан соҳасига янада кенг жалб этиш ва уларга давлат томонидан берилаётган имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумотлар тақдим қилинди.

Ўзбекистон ихтирочи аёллар делегацияси, шунингдек, халқаро форумда ҳам иштирок этди.

“KIWIE — 2023” халқаро кўргазмаси якуни бўйича ўзбек олима аёллари 4 та олтин, 2 та тиббиёт ва техника йўналишлари бўйича махсус соврин (Гран-при), 7 та кумуш ва 1 та бронза медални қўлга киритди.

**«Дунё» АА.**







ФАРҒОНАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР:

# ХАЛҚ РОЗИЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА

1

### Кўҳна кентнинг бугунги манзараси

Инсон дунёда умид билан яшайди. “Орзуларимга етай, шинам уй-жойим бўлса, ён-атрофимда қулай шароит, бекаму кўст муҳит ҳукм сурса, оиламга, жамиятга, юртимга фойдам тегса, мурод-мақсадим ушалса”, дейди.

Айтмоқчи бўлганимиз, айни пайтда Фарғона шаҳрида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” даҳасининг дастлабки босқичида 4 300 хонадондан иборат 80 та кўп қаватли уйлар қурилиши жадал суръатда олиб борилаётгани ана шундай орзулар рўёбига йўл очса, не ажаб?

Бунга эса аллақачон киришилган. Шу йил Наврўз байрами арафасида бир гуруҳ ҳамюртларимиз янги уйларга кўчиб ўтишиб, айёмни қўшалоқ тантана сифатида нишонлашди.

— Табиий-иқлим шароит ўрганилиб, геология-қидирув ишлари натижасида бу ерда жаҳон андозалари даражасида 7 қаватдан 25 қаватгача бўлган уйлар қурилиши кўзда тутилган, — дейди Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Ҳожиқўзижон Исақов. — Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги делегацияси таркибида энг тажрибали қурувчи-тадбиркорларимиз Жанубий Корея, Туркия, Япония тажрибасини ўрганиб келди.

Лойиҳага кўра, янги даҳада 2025 йилга қадар 60 минг, яқин истиқболда 150 минг аҳоли яшашига мўлжалланган замонавий шаҳарча қад ростлайди. Барча коммуникация — ички йўллар, электр ва иссиқлик таъминоти, ичимлик ва оқова сув тармоқлари харажати тўлиқ Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Ўз навбатида, ҳудудда 6 та мактаб, 10 та мактабгача таълим ташкилоти, 2 та оилавий поликлиника, кўп тармоқли тиббиёт маркази, 4 минг ўринли амфитеатр, маданий-маърифий иншоотлар, сунъий кўл, канал қурилади. Шунингдек, 70 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилмоқда.

— Коммуникация харажатлари давлат ҳисобидан бўлаётгани уйлар нархи деярли тенг ярмига арзон бўлишини таъминлаяпти, — дейди “Камолхонов Жаҳон” МЧЖ раҳбари Жаҳонгир Камолхонов. — Мисол учун ҳозирги кунда хонадонларнинг 1 метр квадрати ўртача 4,5 млн. сўм бўлмоқда. Агар коммуникация харажатлари қўшилса, бу 1 метр квадрат 9 млн. сўмга баҳоланарди.

Банк кредити, субсидия ажратиш, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнлари билан боғлиқ масалаларни тез ва ўз вақтида ҳал этиш мақсадида шу ернинг ўзида Ипотека маркази қуриб битказилди. 2023 йилдан бошлаб эса ҳар бир кўп қаватли уйда ота-она қарамоғидан маҳрум, етим болаларга субсидия асосида ёки бепул тарзда берилиши учун 1 хонали уйлар қуриш ҳам режага киритилди. Уйлар йўлакларида ногиронлиги бор шахслар учун пандуслар ўрнатилиши қатъий талаб сифатида белгиланди.

Хуллас, бугун нафақат Фарғона шаҳри ва унинг атрофида, балки вилоятнинг барча туману кентларида бир-биридан обод манзил-маконлар кўпайгандан-кўпайиб бораяптики, бунга барчамиз гувоҳмиз. Буни Фарғона шаҳридан ташқари Ёзёвон ва Фарғона туманларида ҳам “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши жадал давом этаётганида кўриш мумкин.

### Бу заминда меҳнаткаш, кўнгли очиқ халқ яшайди

Фарғона вилоятида кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида катта натижаларга эришиляпти. Аммо кечаги натижа бугунги кунга тўғри келмайди. Шу сабабли соҳага эндиликда инновация, илм-фан ютуқлари, тадбиркорлик кенг жорий этилмоқда.

Вилоятда жорий йил ҳосили учун парваришланган 95 минг 720 гектар майдондаги ғалла ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олинди. Мавсум уюшқоқлигини таъминлаш мақсадида вилоятда 340 ўрим отрядлари ташкил этилиб, уларга юқори унумли 340 та дон комбайни, 1 минг 825 дона ташиш техникаси, 153 та кўчма устахона ҳамда 173 та ёнилғи ташиш техникаси бириктирилди. Шу тариқа вилоятда ҳар бир гектар ердан ўртача 80-85 центнер, илғор фермер хўжаликлари 100 центнердан ортиқ бошоқли дон ҳосили йиғиштириб олишга эришди.

Фурқат туманида 205 та фермер хўжалиги билан 6450 гектар ердан 23 минг 750 тонналик ҳосил етиштириш учун шартнома имзоланган эди. Шу мақсадда “Давр”, “Аср”, “Гром” сингари маҳаллий иқлим шароитига мос навлар қатори хориждан келтирилган янги “Безостая-100” нави тажрибадан муваффақиятли ўтказилди. Бундан ташқари, илм-фан ютуқлари ва инновацион ғоялар асосида 557 гектар ерда тажриба тариқасида янги навлар экилди.

Туманда “Истиқболли ғалла экспорт” ва “Фурқат дон кластер”и томонидан халқимизнинг ризқ-насибаси омборларга йиғиб олинди. Айни пайтда “Фурқат дон кластер” МЧЖ ғаллачилик кластери тасарруфидаги қайта ишлаш заводида бир кунда 200 тонна ғалла замонавий технологиялар ёрдамида қайта ишланмоқда.

— Қишлоқ хўжалигидаги ҳаётбахш ислоҳотлар самараси сифатида бир пайтлар энг қолоқ ҳисобланган чўлдашт ҳудудидаги Қолгандарё массивида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари бугунги кунда Фурқат туманининг энг илғор фермерларига айланди, — дейди “Шерали Ҳамзаев” фермер хўжалиги раҳбари Сафарли Ғаниев. — Бу йил ҳам 43 гектар ерда ғалла парваришлаб, режани туманда биринчи бўлиб уддаладик. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил салмоғи 100 центнердан ошди. Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, биргина ғалланинг ўзидан 1 миллиард сўмдан зиёд даромад олиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, сут йўналишида Франциядан келтирилиб боқилаётган 450 бош наслли қорамол, 20 сотихлик иссиқхона, 30 сотих майдонда интенсив усулда парваришланаётган балиқлар фермер хўжалигининг муқим даромад манбаидир. Қува тажрибаси асосида дала эгатларига экилган 1 гектар ердаги анор даромадга кирган бўлса, бу йил дала четларида Олтиариқ тажрибаси бўйича 3 гектар майдонда узум плантацияси ташкил этилди. Узум токлари орасида эса помидор, дуккакли экинлар етиштирилди.



...Арпасиз от довон ошолмайди. Агар давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш юзасидан муҳим ташаббусларни истеъмолга киритмаганида эди, эҳтимол, юқоридаги кўрсаткичлар дунёга келмаган бўларди.

> Янги даҳада 2025 йилга қадар 60 минг, яқин истиқболда 150 минг аҳоли яшашига мўлжалланган замонавий шаҳарча қад ростлайди. Барча коммуникация — ички йўллар, электр ва иссиқлик таъминоти, ичимлик ва оқова сув тармоқлари харажати тўлиқ Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Ўз навбатида, ҳудудда 6 та мактаб, 10 та мактабгача таълим ташкилоти, 2 та оилавий поликлиника, кўп тармоқли тиббиёт маркази, 4 минг ўринли амфитеатр, маданий-маърифий иншоотлар, сунъий кўл, канал қурилади. Шунингдек, 70 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилмоқда.

### Ўттиз йиллик муаммолар ҳал этилмоқда

Президентимизнинг 2022 йил 18 март куни қабул қилинган “2022 — 2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, ўтган йили Фарғона вилоятидаги 261 та МФЙ ҳудудида ички йўлларни таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Хусусан, 85 км. цемент-бетон, 218 км. асфальт қопламали йўллар қуриш ва 228 км. йўлларни шағаллаштириш ишлари амалга оширилди. Шу тариқа 2022 йил учун режалаштирилган 531 км. ички йўллар тўлиқ таъмирланиб, бунинг учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 167,6 млрд. сўм сарфланди. Таъмирлаш ишлари тўлиқ “Шаффоф” платформаси орқали ғолиб бўлган пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 12-13 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида бу борада яна қўшимча вазифалар белгиланди. Шу асосда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2022 йил 15 июнь кунги қарорига мувофиқ, 18 км. узунликдаги 25 та ички йўлни қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Таъкидлаш ўринлики, Фарғона вилоятида давлат дастурлари доирасида ички йўлларни 2026 йилга қадар босқичма-босқич таъмирлаш ишларини якунлаш режалаштирилган. Шу маънода айтганда, яқин уч-тўрт йил ичида вилоятда бирорта носоз ички йўл қолмайди. Бу фарғоналик йўлсозлар учун масъулиятли ва шарафли юмушдир.

2022 йил 25 октябрда қабул қилинган “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ эса Фарғона вилояти ҳудудларида ичимлик ва оқова сув таъминоти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун республика бюджетидан 426 млрд. сўм маблағ ажратилди. Шу тариқа объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосалари олинди ҳамда пудрат ташкилотлари томонидан ишга киришилди. Эзгу ташаббусга кўра, жорий йилда вилоятда 220 км. ичимлик ва оқова суви тармоқлари қуриш ҳамда реконструкциялаш ишлари бажарилади.

Бугунги кунда Тошлоқ тумани аҳолисининг 68 фоизи ичимлик суви билан таъминланган бўлиб, бу борадаги изчил саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йил якуни бўйича ушбу кўрсаткични 92 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

“Фарғонасувтаъминоти” МЧЖнинг Тошлоқ тумани филиали раҳбари Ҳалимжон Одиловнинг маълум қилишича, бу йил туманда 17 та МФЙда 106,8 км. масофада ичимлик суви тармоғи тортиш, ўнлаб сув иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилади.

— Маҳалламиз туман марказидан 15 километр олис масофада жойлашган, — дейди Тошлоқ туманининг “Чек” МФЙда истиқомат қилувчи Муҳаммаджон Тожибоев. — Яқинда қишлоғимизга ичимлик суви тармоғи тортилганидан каттаю кичик бирдек хурсанд бўлди. Ахир сув — бу ободлик дегани. Қишлоғимизга сув келди, ишонаманки, энди ҳар бир гўша файзли ва обод бўлади.

Ҳаётбахш ислоҳотлар самараси вилоятга хорижий ва маҳаллий инвестициялар жалб этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, аҳолининг яшаш шароити ва турмуш фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ барча соҳа ва тармоқларда яққол намоён бўлмоқда.

Чунки улуғвор орзу-мақсадларимизга қанот бўлувчи энг улуғ ва қутлуғ саодат бор, унинг номи — тинчлик. Усиз ҳаётнинг завқи йўқ, инсон тақдири, юрт келажаги мавҳумлик сари гирифтор бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги тинч-осойишта, тобора обод ва фаровон бўлиб бораётган ҳаётнинг қадри кун сайин ўзгача аҳамият касб этиб бораётир.

Фарғонадаги оламшумул ўзгаришлар, янгиланиш ва истиқбол Президент Шавкат Мирзиёев номи билан бевосита боғлиқ. Давлатимиз раҳбари ҳар гал ушбу вилоятга ташриф буюрганида каттаю кичикни бунёдкорлик ишларига даъват этади, бугунги кунга тийрак нигоҳ ташлашга, келажакка умид ва ишонч билан қарашга ундайди.



Мухтасар айтганда, бугун Фарғонада янги Ўзбекистоннинг нафаси яққол сезилади. Режалар бисёр, мақсадлар улкан. Фарғоналиклар бугунги кунда ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, юрт тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшар экан, кўп миллатли вилоят аҳли эришаётган ютуқлар замирида янги тафаккур, янгича дунёқараш мужассамдир. Бу эса уларнинг бугунидан миннатдор бўлиб яшашларига, меҳнатлари мевасидан баҳраманд бўлишларига хизмат қилмоқда.

**Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).**

# ИНКЛЮЗИВ ОЛИЙ ТАЪЛИМ РИВОЖИ – ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ

1 Бугунги кунда Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларнинг таълим олишига хизмат қилувчи ўқув жиҳозлари ва воситаларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар жуда кам. Шу боис юртимизда олий таълимда инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясини тайёрлаш, бунда махсус дастурлар ва воситаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

## Тўсиқсиз муҳит қандай бўлади?

Инклюзив тўсиқсиз таълим муҳити — бу талабалар эркин ҳаракатланиши, ўқиши, керакли маълумотларни олиши, тенгдошлари билан мулоқот қилиши, ижтимоий ҳаётнинг турли шаклларида иштирок этиши, меҳнат бозорида талаб ва рақобатбардошликни таъминлайдиган юқори сифатли таълим олиши мумкин бўлган, барча шароитга эга тизимдир.

Тадқиқотчилар жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг арзон ва қулай таълим олишлари борасида енгиб ўтиши лозим бўлган тўсиқларнинг бир нечта гуруҳларини ажратиб кўрсатади. Масалан, архитектуравий тўсиқлар, яъни инфратузилманинг ногиронлиги бўлган инсонлар эҳтиёжлари учун мослаштирилмаганлиги уларнинг таълим олиш имкониятини чеклайди. Содда айтганда, уйда, ўқув биноларида, кампусда, йўлларда ва бошқа зарур биноларда пандус ҳамда лифтларнинг йўқлиги, табиийки, жисмоний имконияти чекланган шахсларга турли ноқулайликлар туғдиради.

Афсуски, мамлакатимиздаги аксарият олий таълим муассасаларида ана шундай ҳолат кўзга ташланади. Кузатишлар ушбу олийгоҳларнинг ўқув биноларида ва ётоқхоналарида ҳатто оддий пандуслар, шунингдек, ногиронлар аравачалари учун лифтлар, ҳожатхоналар ва зиналар мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бундан ташқари, ётоқхоналарнинг ўқув биноларидан узоқда жойлашганлиги ногиронлиги бўлган талабаларнинг машғулотларга қатнашишига жиддий қийинчиликни юзага келтиради.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда йилдан-йилга олий таълим муассасаларига қабул қилинаётган талабалар сони ошиб бормоқда. 2026 йилга қадар ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказиш кўзда тутилган бир пайтда олийгоҳларга алоҳида таълим эҳтиёжи ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг талабларини қондириш борасида ижтимоий мажбуриятлар юклатилиши шарт. Зотан, Тараққиёт стратегиясида 53-мақсад сифатида "Аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш" белгиланган.

Таъкидлаш керакки, Президентимиз Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида имконияти чекланган талабаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, таълимда инклюзив жараёнларни ривожлантириш, адаптив технологияларни жорий этиш масалалари кўзда тутилган бўлса-да, олий таълимни 2030 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари таркибида инклюзив таълимни жорий қилиш борасида мақсадли индикаторлар акс этмаган, бу эса, ўз навбатида, концепцияни амалга оширишнинг йиллик "йўл хариталари"да мазкур кўрсаткичларни кўзда тутиш лозимлигини англатади.

## Мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари

Таянч-ҳаракат тизимида нуқсони бор инсонлар учун тўсиқлар турли даража ва кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, ҳасса, қўлтиқтаёқ ёрдамида мустақил ҳаракатланувчи шахслар учун нотекис, сирпанчиқ йўлаклар, нотўғри ўрнатилган пандуслар, тутқичлар, йўлда дам олиш жойларининг етишмаслиги ва ҳоказо. Қўллари ҳаракат қилмайдиган шахслар учун эса эшикларни очиш, кийим ва пойабзалларни ечиб олиш, жўмрак, тугма ва бошқалардан фойдаланишда ёрдамнинг йўқлигини келтириш мумкин.

Кўришда нуқсони бўлганлар учун тактил белгиларининг йўқлиги, жумладан, ҳаракат йўналишлари, ахборот кўрсаткичларининг мавжуд эмаслиги, ҳаракат йўлида токчалар, устунлар, бурчаклар, қарама-қарши белгиларсиз



ойнаванд эшикларнинг қўйилгани, йўлакларнинг нотекислиги ёки ўта силлиқлиги, ижтимоий инфратузилма объектларида маълумот ва мўлжал олиш борасида кўмак кўрсатилмаслиги турли мушкулотлар яратади.

Шу ўринда мамлакатимизда кўзи ожизлар учун реабилитация воситалари умуман ишлаб чиқарилмаслигини таъкидлаш лозим. Ҳатто улар учун зарурий тифловоситалар (кўзи ожизлар учун реабилитация воситалари)нинг рўйхати тегишли вазирлик ва идоралар томонидан шакллантирилмаган. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида юртимизда тифловоситаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ушбу корхона фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш чораларини кўриш талаб қилинади.

Эшитиш қобилияти заиф одамлар учун визуал маълумотларнинг йўқлиги, жумладан, ижтимоий инфратузилма объектида фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш борасида маълумотларнинг етишмаслиги, замонавий реабилитация ускуналари (эшитиш воситалари)нинг ахборот тизимларига уланмагани (масалан, индукцион ҳалқалар орқали), турникетлардан ўтаётганда электромагнит шовқин, кохлеар имплантли шахслар учун назорат воситалари, сурдо-таржимон, тефло-сурдо таржимонларнинг етишмаслиги ва бошқа ахборот тўсиқларининг мавжудлиги жиддий таъсир кўрсатади.

Эшитишда ва нутқида нуқсони бор талабаларнинг сифатли таълим олишлари учун сурдо-таржимонлар жуда кам. Мазкур муаммонинг ечими сифатида олийгоҳларда сурдо-таржимонлик штат бирлигини очиш ёки пуллик шартнома хизматини йўлга қўйиш мумкин. Айниқса, олий таълим муассасаларида сурдо-таржимон факультетларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ақлий ривожланишда нуқсони бўлган инсонлар учун турли даражадаги тўсиқлар сифатида ижтимоий инфратузилма объектида ҳаракатланиш борасида ахборотларнинг етишмаслиги ёки мавжуд эмаслиги, уларнинг маълумот олиши учун кўмак кўрсатилмаслигини келтириб ўтиш мумкин.

## Ҳуқуқий пойдевор мустаҳкам, уларнинг ижроси-чи?

Бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълимда инклюзив таълимни амалга ошириш борасида ҳуқуқий макон етарлича шакллантирилган. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг 50-моддасида таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланиши белгиланган. Шунингдек, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашиши, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлаши 57-моддада мустаҳкамлаб қўйилган.

Қолаверса, жисмоний ва ақлий имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Бироқ олий таълимда инклюзив ўқитиш амалиёти муаммосининг кўлами жуда кўп сонли ҳужжатларни ишлаб чиқишни ва бир қатор давлат муассасаларини ташкил этиш ёки қайта қуришни талаб қилади. Ҳаёт давомида инклюзив таълим — имконияти чекланган талабанинг таълим интеграциясигина эмас, балки ижтимоий-маданий технологиядир. Бу муаммонинг тизимли хусусиятини англатади, уни биргина таълим муассасаси ичида ҳал қилиб бўлмайди.

Олийгоҳлар биноларини архитектуравий жиҳатдан қайта қуриш, алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган талабалар учун ўқув жараёнини техник жиҳатдан таъминлаш, ушбу жараённи амалга оширувчи ходимларнинг таъминоти ва шу каби масалалар катта молиявий маблағларни талаб қилади.

Бугунги кунда алоҳида таълим эҳтиёжи мавжуд бўлган шахсларни мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими олишларининг молиявий таъминоти аниқ белгилаб берилган бўлса-да, олий ўқув юртида таҳсил олувчи алоҳида таълим эҳтиёжига эга бўлган шахсларнинг молиявий таъминоти масалалари амалдаги қонунчилик ҳужжатларида тўла ўз аксини топмаган.

Ногиронлиги мавжуд талабалар маҳаллий олий ўқув муассасаларига кундузги, сиртқи, кечки таълим каби ўқитишнинг мавжуд бўлган барча шаклларида қабул қилинаётган бўлса-да, 2021/2022 ўқув йилида ногиронлиги бўлганлар учун ажратилган ўринларнинг учдан икки қисми тўлган, холос. Бунга ўрта ва касб-ҳунар таълимининг сифати пастлиги асосий сабаблардан биридир.

Очиқ маълумотларга кўра, 2022/2023 ўқув йили учун талабаликка даъвогар сифатида 1 млн. 73 минг 821 нафар абитуриент тестга кирган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, уларнинг 550 минг нафари ўтиш балининг энг қуйи чегараси бўлган 56,7 баллни ҳам тўплай олмаган.

Кўриниб турибдики, шартли равишда соғлом деб ҳисобланувчи абитуриентларнинг натижалари қониқарсиз бўлган шароитда, ногиронлиги бор ва алоҳида таълим эҳтиёжи мавжуд шахсларнинг ҳамма қатори тест синовларида иштирок этишидан маъно йўқ. Мазкур муаммони ҳал қилишда тест синовларидан ўтиш балларини пасайтириш ечим бўла олмайди, бунинг учун имконияти чекланган шахсларга имтиҳон шартларини мослаштириш талаб қилинади.

Ногиронлиги бор талабаларнинг аксарияти таълим мазмунини тўлиқ ўзлаштира олмайди, деган фикр кенг тарқалган. Аммо ногиронлиги бўлган битирувчилар учун тест балларининг пастлиги уларнинг юқори сифатли касбий таълим олиши мумкин эмаслигини англатмайди. Улар ўқув дастурини бир хил суръатда, бир хил ўқув материалида ва бошқа талабалар билан бир хил кетма-кетликда ўзлаштириш борасида муайян қийинчиликларга дуч келади, дейиш ўринли бўлади.



## Замонавий технологиялар имкониятларидан фойдаланиш муҳим

Ўзбекистон олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган жуда кам сонли талабалар таҳсил олади. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг маълумотларига кўра, 2021/2022 ўқув йилида 6321 нафар ногиронлиги бор талаба бакалавр даражасини олди, бу мамлакат олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг атиги 0,8 фоизини ташкил этади, бу кўрсаткич бошқа мамлакатларга нисбатан жуда паст даражадир.

Ногирон сифатида рўйхатдан ўтган талабаларнинг аксарияти (41 фоиз) жисмоний ногиронликка эга, фақат 2 фоизида эшитиш муаммолари ва атиги 1 фоизида эса ақлий заифлик бор, бу эса ушбу гуруҳлар учун олий маълумот олишга шароитлар нисбатан чекланганини кўрсатади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, соҳага масъул вазирликнинг 2021 йил 16 июлдаги 311-сон буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълимнинг давлат стандарти. Асосий қоидалар", 2021 йил 19 октябрдаги 35-2021-сон буйруғи билан амалиётга киритилган "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар"да инклюзив таълим, алоҳида таълим эҳтиёжи мавжуд шахсларнинг олий таълим олишлари борасида умуман сўз юритилмаган. Бу эса, ўз навбатида, олий таълимни ташкил этиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, уларни инклюзив таълимни жорий қилиш талабларига мослаштиришни тақозо этади. Олий ўқув юртларида жисмоний имконияти чекланган талабаларга тиббий-психологик-педагогик кўмак кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш уларнинг таълим кўрсаткичлари яхшиланишига хизмат қилади.

Ногиронлиги бор абитуриентлар учун касб танлашдаги қийинчиликлар, махсус (тузатиш) мактаблар битирувчиларининг чекланган ижтимоий алоқалари шароитида олий таълимнинг турли ташкилотларида талабалар учун мавжуд имкониятлар ҳақидаги ахборотларнинг мавжудлиги ниҳоятда асқатади. Замонавий ахборот технологиялари касб ва ўқиш жойини танлашни осонлаштирадиган маълумотларни излаб топишда чексиз имкониятларни тақдим этади. Шу боис Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда соҳа вакилларидан ташкил топган Олий таълим кенгаши, шунингдек, жамоат бирлашмалари томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар олий таълим ташкилотлари порталларида ногиронлиги бўлган ва жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни ўқитиш учун шароитлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни мажбурий жойлаштиришни талаб этиши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган маҳаллий олий таълим муассасаларининг атиги 7 фоизи ўз расмий веб-сайтида жисмоний имконияти чекланган абитуриент ва талабалар учун маълумотлар жойлаштирган. Олий таълим ташкилотининг веб-сайтида турли хил нозологияларни ҳисобга олган ҳолда, ногиронлиги бор талабалар учун мослаштирилган ўқув дастурлари, таълимни қўллаб-қувватлаш турлари ва шакллари, махсус техник ва дастурий таъминот воситаларининг мавжудлиги уларга қулайлик яратади. Масофавий ўқитиш технологиялари, ногиронлиги бўлганлар учун мослаштирилган ўқув дастурларини ўз ичига олган махсус бўлим (саҳифа) ҳозирланиши эса айни муддао бўлади.

Олийгоҳларда замонавий ўқув жараёни техник ва ахборот таълим воситаларидан фойдаланиш жиҳатидан юқори технологияли жараён саналгани ҳолда, у имконияти чекланган талаба учун ҳам тўсиқ, ҳам таълим олиш манбаси сифатида хизмат қилиши мумкин. Бир томондан, аксарият мутахассисликлар ва таълим йўналишлари учун мажбурий бўлган ҳамда техник қурилма, жиҳозлардан фойдаланган ҳолда ташкил этилувчи мураккаб лаборатория ишлари кўриш, эшитиш ва ҳаракатланишда нуқсони бор талаба учун қийин ёки хавфли ҳам бўлиши мумкин. Бошқа томондан эса замонавий компьютер ва ахборот технологиялари нуқсонлари бўлган талабалар учун маълумотни сенсор функцияларида қулай шаклда тақдим этиш имконини беради (кўзи хира кўрувчилар учун электрон лупалар ва кўзи ожизлар учун овозли дастурлар; эшитиш қобилияти бузилганда қўл келувчи овоз кучайтирувчи ускуналар ва мультимедиа воситалари).

Компьютер симуляторлари ва тренажерлари ҳаракатланишда нуқсони мавжуд талабаларга имитация режимида уларнинг амалда уддалаш имкони бўлмаган экспериментал амалиётларни бажаришга имкон беради. Турли электрон таълим ресурслари аудитория машғулотларининг ҳар хил шаклларида ўқитувчи ва талабалар билан жонли мулоқотни тўлиқ алмаштира олмайди. Шу муносабат билан инклюзив ўқув жараёнини турли нозологияли ногиронлиги бор талабанинг махсус таълим эҳтиёжларини қондирадиган шаклларда маълумотларни қабул қилиш ва узатишнинг техник воситалари билан таъминлаш, шунингдек, тегишли педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш мавжуд тўсиқларни енгиб ўтишнинг самарали воситасидир.

## Ижтимоий-психологик муҳит талабага қанот бўлади

Таълим муассасасидаги ижтимоий-психологик вазият инклюзив таълим муҳитининг муҳим жиҳатларидан биридир. Бу ўринда сўз саломатлигида нуқсони бор талабаларнинг ўқитувчилар, бошқа талабалар, таълим муассасасининг раҳбарияти ва барча ходимлари билан бўлган муносабатларининг табиати ҳақида бормоқда. Психологик қулайлик, яъни ногиронлиги бўлган талабалар учун умумий ижобий муносабат, дўстона муҳитнинг яратилиши уларга қанот беради.

Социологик ва психологик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, психологик қулайлик мавжуд бўлмаган шароитда, ҳатто мотивацияси энг кучли бўлган талабалар ҳам олий таълим муассасасида касбий билим, кўникма ва малакаларни етарли даражада ўзлаштиришга ҳаракат қилишни тўхтатади. Маҳаллий шароитда мазкур муаммо ўқув жараёни субъектларининг жисмоний имконияти чекланган талабага нисбатан бағрикенг муносабати сифатида талқин этилади.

Кўп сонли тадқиқотлардан маълумки, алоҳида эҳтиёжи мавжуд инсонларга бўлган муносабатнинг ўзгариши уларнинг муаммолари ҳақида жамоатчилик хабардорлиги даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис сўнгги йилларда саломатлигида турли чеклашлар мавжуд шахсларнинг жамиятга интеграциялашувида ижобий тенденция кузатилмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилиши эътиборга моликдир.

Инклюзив таълимни олиб бораётган олийгоҳ ўқитувчиларининг кадр салоҳиятини оширмасдан туриб, бу борадаги мавжуд тўсиқларнинг барчасини енгиб ўтишнинг имкони йўқ. Таълим инклюзиясининг бошқа барча даражасида бўлгани каби олий таълимдаги асосий тўсиқ ҳам турли фанлар ва касблар бўйича барча махсус таълим эҳтиёжлари бўлган талабаларга дарс бера оладиган ўқитувчиларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Ўқитувчи, жумладан, олий маълумотли ўқитувчини инклюзия шароитида ишлашга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш муаммоси таълимни ривожлантиришнинг бошқа вазифалари орасида энг муҳимидир. Ўқитувчининг тегишли қадрият йўналишларисиз, унинг мотивациясисиз, ташаббус ва махсус хатти-ҳаракатларисиз ногиронлиги бўлган талабанинг олий таълим муассасасидаги ўқув жараёнига чинакам қўшилишини таъминлашнинг иложи йўқ.

Энг муҳим жиҳат — бу олий таълимда инклюзив амалиётни яратиш жараёнини бошқаришга қодир бўлган бошқарув кадрлари муаммосидир. Том маънодаги инклюзив олий таълим муассасасини барпо қилиш учун янгича қараш ва ёндашувларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш талаб қилинади.

Мухтасар айтганда, юртимизда инклюзив олий таълимнинг янада ривожланиши янгиланаётган Ўзбекистонда инсон қадрини юксалтириш, жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, ижтимоий давлат қуриш борасида олиб борилаётган тарихий ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлади. Шу билан бирга, имкониятлари чекланган бўлса-да, қалби уйғоқ, жонажон Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиш иштиёқида ёниб яшаётган юртдошларимиз орзуларини рўёбга чиқаради.

**Акмал АБДУВОҲИДОВ,**
**Гулистон давлат университети доценти.**



# ТУРИЗМ СОҲАСИДА 5,5 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ОЧИЛАДИ

1 Айни пайтда вилоятда сайёҳлар учун 15 606 ўринли 570 та меҳмонхона хизмат кўрсатмоқда. 2023 йилда умумий қиймати 5,9 триллион сўмлик 180 лойиҳа ишга туширилиб, туризм ва унга йўлдош хизматлар кўрсатиш соҳасида 5,5 мингта янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Хусусан, 55 та жойлаштириш воситалари, 41 та дам олиш ва кўнгилочар масканлар, 45 та умумий овқатланиш ва 39 та бошқа туризм лойиҳалари амалга оширилади.

2023-2024 йилларда туризмни ривожлантириш концепциясига кўра Самарқанд туризм маркази имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда 50 дан ортиқ халқаро тадбирлар ўтказилади. Имом Бухорий ва Ад-Дорамий зиёратгоҳларида олиб борилаётган қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топшириш орқали сайёҳлар сони оширилади. Ургут, Пайариқ, Самарқанд туманлари маҳаллаларида туризм хизматлари ривожлантирилади.

"Музейлар квадрати"ни ташкил қилиш орқали бой маданий меросимизни кенг намойиш этиш йўлга қўйилади.

Эътиборлиси, кўрилаётган бундай кенг кўламли чоралар ва амалга оширилаётган ишлар келгусида Самарқандга келаётган сайёҳлар сонининг янада ортиши ҳамда уларнинг бу ерда ўртача қолиш муддатини узайтиришга хизмат қилади.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Семинар

# Хотин-қизлар фаоллари ўқитилди

*Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида "Маҳалла хотин-қизлар фаолларининг психологик билимларини юксалтириш" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.*

Унда Пахтакор ва Дўстлик туманларининг хотин-қизлар фаоллари иштирок этди.

— Ҳозирги глобаллашув даврида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар жадаллик билан ривожланиб бормоқда, — дейди Дўстлик туманидаги "Қаҳрамон" МФЙ хотин-қизлар фаоли Моҳичеҳра Раҳмонова. — Ҳаётга татбиқ қилинаётган ислоҳотлар жараёнида фаоллик кўрсатиш, давлат ва жамият бошқарувини самарали ташкил этиш, психологик билимларни пухта эгаллаш ҳамда илмий-амалий тажрибадан самарали фойдаланиш бугунги раҳбарнинг асосий вазифаларидан биридир.

Семинарда хотин-қизлар фаолларининг психологик билимларини ошириш билан бирга, уларга оилалар билан ишлашда низоли вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш йўллари бўйича маҳорат дарслари ҳам ўтказилди. Шунингдек, низоли ва нотинч оилалар билан ишлаш, руҳий тушкунликка тушган шахсларга кўмаклашиш, зўравонликдан жабр кўрган шахсларга биринчи ёрдам кўрсатиш, ажримларнинг олдини олиш ҳамда бошқа мавзулар юзасидан ҳам машғулотлар ташкил этилди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти жамоаси Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Жамолиддин Тўхташевга онаси

**Раъно НИЁЗОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 90-371-64-04;
Эълонлар 90-999-77-65.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6